БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ҲУЖЖАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Қурбонов Бахтиёр Нормўминович
Мустақил тадқиқотчи

Аннотация: божхона органлари фаолиятини рақамлаштириш орқали уларнинг хизмат кўрсатиш ва юклатилган вазифаларини бажариш сифатини ошириш мақсад қилиб олинган бўлиб, ушбу мақолада прокуратура органларининг вазифалари ва божхона органларида қонунчиликни таъминланиши устидан назоратни амалга оширишнинг зарурати, бу борасида амалга оширилган ишлар таҳлили, юзага келаётган муаммоли ҳолатлар ҳамда бажарилиши лозим бўлган зарурий чора-тадбирлар, назорат ҳужжатлари ва уларнинг долзаблиги тўғрисида сўз юритилган.

Калит сўзлар: конституция, прокуратура, божхона органлари, қонунчилик, божхона назорати, расмийлаштирув, тақдимнома, огоҳлантирув хати, терговга тегишлилик, божхона қоида бузилиши, қарор

Аннотация: целью цифровизации деятельности таможенных органов является повышение качества их обслуживания и выполнения возложенных на них обязанностей, в данной статье рассматриваются задачи органов прокуратуры и необходимость осуществления контроля за законодательным обеспечением в таможенных органах, анализ проделанной работы, возникающие проблемные ситуации, а также необходимые меры, которые необходимо предпринять, контрольные документы и т.д. упоминалась их актуальность.

Ключевые слова: Конституция, прокуратура, таможенные органы, законодательство, таможенный контроль, оформление, представление, предупреждающее письмо, принадлежность к расследованию, таможенное нарушение, постановление

Annotation: it is aimed at improving the quality of their service and performance by digitizing the activities of customs authorities, this article discusses the need to carry out control over the tasks of the prosecutor's office and the provision of legislation in customs authorities, the analysis of the work carried out in this regard, the problem situations that arise and the necessary measures, control documents

Keywords: Constitution, prosecutor's office, customs authorities, legislation, customs control, formalization, submission, warning letter, belonging to the investigation, violation of the customs rule, decision

Кириш

ISSN 3030-3907

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида бошқа давлат органларидаги бўлгани каби божхона органлари фаолияти ҳам такомиллаштирилди. Замонавий божхона хизмати назоратчи ва жазоловчи функцияларини мўтадиллаштирган ҳолда ҳақиқий маънода халқ хизматчиси бўлган органга айланиб бораётганлигини тадбиркорлар билан бир қаторда аҳоли ҳам сезмоқда.

2017-2025 йиллар оралиғида божхона органлари фаолиятини тартибга солиш ва тартиботларни соддалаштириш ҳамда рақамлаштириш орқали халқарор стандартлар даражасида хизматларни йўлга қўйиш мақсадида тизим фаолиятига оид 10 дан ортиқ қонун ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Божхона кодекси ва “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди. Шунингдек, божхона хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва қулай савдо муҳитини яратиш мақсадида 2018, 2020 ва 2022 йилларда қабул қилинган фармон ва қарорлар билан рақамли божхона органи жорий этилди.

Божхона тартиботларини рақамлаштиришдан кўзланган асосий мақсадлардан бири тадбиркорларни ортиқча сансоларликларсиз, қулай ва шаффоф тарзда ўз товар ва транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказишлари таъминлаш бўлса, бошқа тарафдан божхона ходимларининг меҳнат фаолиятинин енгиллаштириш ва бунда рақамли таҳлиллар асосида куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш, коррупция ва бошқа турдаги жиноятчиликларни олдини олиш ҳисобланади. Жорий этилган рақамли технологиялар натижасида ҳозирда божхона органларида 60 дан ортиқ дастурлар ва 33 дан ортиқ интерактив хизматлар тадбиркорлар ва аҳолига хизмат қилиб келмоқда.

Лекин, божхона ходимлари ўртасида коррупция ва жиноятчиликнинг юқори даражада сақланиб қолаётганлиги, тадбиркорлар томонидан тизим фаолиятидан норозиликнинг кучайиб бораётганлиги ҳамда ҳукумат, шу ўринда давлат раҳбари томонидан қайта ва қайта тизимдаги порахўрликни йўқ қилиш вазифаси қўйилаётганлиги қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва берилган топшириқлар ижроси етарлича таъминланмаётганлигини кўрсатмоқда.

Ушбу мақолада, божхона органлари фаолиятини тартибга солишда прокурор назоратининг аҳамияти ва прокурор назорати ҳужжатларини турлари тўғрисида фикр юритилган бўлиб, мақола амалий ва назарий маълумотлар ҳамда халқаро тажриба асосида бойитилган.

ISSN 3030-3907

Асосий қисм

Божхона органлари фаолиятини такомиллаштириш ва янада янги босқичга олиб чиқиш, соҳани рақамлаштириш ва ташкилий тузилмаларини оптималлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш ва божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”** 25.03.2025 йилдаги ПҚ-122-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарор пандемия ва халқаро савдолардаги кескин ўзгаришлар фонида қабул қилинаётган учинчи қарор ҳисобланади. Яъни, 2020 йилда қабул қилинган **“Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”**ги ПФ-6005-сон ва 2022 йилда қабул қилинган **“Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПФ-122-сон фармонлардан сўнг ушбу қарор ва 2025 йил 25 мартдаги **“Давлат божхона хизмати органларининг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПФ-57-сон Фармон божхона органлари олдига қўйилган юксак топшириқларни ижросини ҳар томонлама ижро этишга асос бўлади.

Кетма-кет қабул қилинаётган ҳукумат қарорлари ва қонунчиликка киритилаётган ўзгаришларга қарамасдан божхона органлари тизимида ҳалигача коррупция ва жиноятчиликнинг сақланиб қолаётганлиги давлат бюджетига божхона тушумларидан қўйилган истиқбол режани бажарилишига тўсиқ бўлмоқда.

Божхона қўмитаси маълумотларига кўра, 2024 йилда тизимда қуйидаги ютуқларга эришилди:

- “Божхона ҳудудида қайта ишлаш” режими асосидаги товарлар экспорти 1 миллиард доллардан ортди;

- тадбиркорларга салкам 50 триллион сўмлик божхона тўловларидан имтиёз берилди;

- 17 мингга яқин ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига божхона тўловларидан 49,6 триллион сўмлик имтиёз ва преференциялар қўлланилди, 6,6 триллион сўмлик божхона тўловларини кечиктириб тўлашга рухсат берилди;

- Давлат бюджетига ундирилган божхона тўловлари ўтган йилга нисбатан 8 фоизга ошди;

- 9 мингга яқин ҳолатда 914 миллиард сўмлик товарлар, 35 миллиард сўм эквивалентидаги валюта қимматликлари, 76 миллиард сўмлик заргарлик

ISSN 3030-3907

буюмлари, 63 миллиард сўмлик тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланувига чек қўйилди;

- 1 тоннадан зиёд гиёҳвандлик воситалари, 554 минг дона психотроп ва кучли таъсир этувчи моддалар, 49 дона қурол, 3010 та ўқ-дорилар ашёвий далил сифатида олинди.

Ҳозирда тизим олдига бир қатор топшириқлар қўйилган бўлиб, уларни амалга ошириш орқали 2026 йилга қадар божхона декларацияларини инсон омилисиз расмийлаштирув улушини 2 баробарга ошириш ва 2028 йилга қадар божхона кўригини 21 фоиздан 15 фоизга тушириш, шунингдек, 2030 йилга қадар сунъий интеллект элементларидан фойдаланган ҳолда хавфни бошқариш тизими самарадорлигини 2 баробарга оширишни таъминлаши лозим.

Шу ўринда соҳа мамлакатдаги энг рақамлашган давлат ташкилоти ҳисобланишига қарамай ҳалигача тадбиркорлардан тизим носозлиги, ходимларнинг фаолияти ва бошқалар бўйича норозиликлар билдирилаётганлиги ушбу орган устидан назоратни кучайтириш заруратини юзага келтирмоқда.

Хусусан, прокуратура органлари “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига кўра вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш вазифасини амалга оширади. Шунингдек, прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Жиноят процессуал кодекснинг 243, 382 — 388, 558, 589-моддаларида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади.

Мазкур кодексга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97 (қасддан одам ўлдириш), 98 (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш), 99 (онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши), 100 (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш), 101 (ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш), 102 (эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш), 103 (Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш), 103^1 (Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш), 108 (Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш), 116 (Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 132 (Моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш), 137 (одам ўғирлаш), 141 (Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш), 141^1(Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш), 141^2

ISSN 3030-3907

(Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш), 141[3] (Шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш), 142 (Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш), 143 (Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш), 144 (Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш), 145 (Виждон эркинлигини бузиш), 146 (Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш), 147 (Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш), 148 (Меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш), 148[1] (Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш), 148[2](Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш), 149 (Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 169 (ўғрилик) моддаси иккинчи қисмининг “д” ва “е” бандларида ҳамда учинчи қисмининг “г” бандида, 175 (Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш), 186 (Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш) моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида, 192[1] (Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш), 192[2] (Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш), 192[3] (Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш), 192[4] (Тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш), 192[5] (Лицензиялаш тўғрисидаги қонунчиликни ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш), 192[6] (Имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш), 192[7] (Хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш), 192[8] (Тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш), 192[9] (Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш), 192[10] (Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш), 192[11] (Нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш), 192[12] (Пул маблағларини қонунга хилоф равишда ўтказиш ёки олиб қўйиш ёхуд уларни ўз вақтида

ISSN 3030-3907

қайтармаслик) моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан амалга оширилади. Бу рўйхатга 197^1, 205 — 215, 218 — 222, 229^1-моддаларида, 229^3-моддаси олтинчи қисмида, 229^4, 229^5, 230 — 230^2, 231-моддаларида, 232-моддаси иккинчи қисмида, 232^1 — 236, 241^1 — 242, 265-моддаларини ҳам, шунингдек қонунда кўрсатилган айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича дастлабки терговни ҳам киритиш мумкин.

Шунингдек, прокуратура органлари давлат ташкилоти ва идораларида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари ёки қонунчиликни ижро қилишдаги муаммолларни бартараф этиш мақсадида Қонуннинг 37-моддаси асосида назорат ҳужжатларини юбориши мумкин. Бу каби ҳужжатларга протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув хатлари киради.

Прокуратура томонидан божхона органларига қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома киритиш орқали ходимлар ўртасида коррупция ва бошқа турдаги жиноятчиликларни олдини олишда киритилади.

Таъкидлаш жоизки, божхона органлари фаолияти рақамлаштирилаётган бир шароитда уларнинг фаолияти устидан назоратни таъминлашда ҳам рақамли назорат механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Хулоса

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш фаолиятини амалга ошириш давомида божхона органлари фаолиятида кўплаб жараёнлар юзага келади. Фуқароларнинг мурожаатлари, қонунчилик билан юклатилган вазифалар, тезкор-қидирув, суриштирув ва терговга қадар текшириув вазифаларини амалга ошириш божхона ходимлари томонидан юксак профессионалликни талаб қилади. Шунингдек, давлат бюджетига тушуши лозим бўлган маблағларни тўғри ва тўлиқ ундирилиши бурчига хиёнат қилиб, ўз манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўювчи ходимлар доимо қонун таъқиби остида бўлади.

Прокуратура органлари бошқа давлат идоралари ва вазирликлар каби божхона органлари фаолиятида қонунчилликка риоя қилинишини таъминлаш мақсадида доимий назоратни олиб борадилар. Бунда, прокурор назорати ҳужжатларининг аҳамияти катта ҳисобланади.

Божхона органлари фаолияти рақамлаштирилаётганлиги муносабати билан улар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш тартибини ҳам

ISSN 3030-3907

рақамли технологияларни қўллаган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ҳожиев Э. Ҳожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик . –Т., 2008.
2. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик: Одилқориев Ҳ.Т., Қосимов Б.Э. умумий таҳрири остида. - Т., 2010.
3. Ҳамдамова Д.Р. Прокуратура органлари тизимида қонунчилик ижроси устидан назорат институти: миллий қонунчилик ва хорижий тажриба. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси. 2020 й
4. Муҳитдинов З.С. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар устидан парламент назоратининг назарий-ҳуқуқий асослари. ю.ф.н.дис… автореферати. –Т., 2012. –б.11.
5. Каштанова Н. С., Шегебаев И. Б. Прокурорский надзор и ведомственный контроль: вопрос соотношения. Вестник Омского университета. Серия “Право”. 2018. № 2 (55). С. 171
6. Попов А.А. Цифровизация прокурорского надзора за исполнением законов в досудебном производстве: предпосылки и перспективы развития в России . Право и государство: теория и практика. 2019. № 12(180). С. 291

ISSN 3030-3907